
Марғилонлик Зикриё Мухторовга барча қулайликларга эга бир хонали квартира калити топширилди

Президентимиз томонидан юртимизда “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Марғилонлик Зикриё Мухторов ҳам ота-она ота-онасининг вафотидан сўнг бувиси Муҳаббатхон Мирзажонованинг васийлигига олинган эди.

Давлатимиз раҳбарининг чексиз эътибор ва ғамхўрликлари остида шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан бугун З.Мухторовга барча замонавий қулай шарт-шароитларга эга квартира калити топширилди.

Ҳозирги кунда Фарғона давлат университетида имтиёзли равишда давлат гранти асосида 2-босқичда таълим олиб келаётган Зикриё Мухторов кўрсатилаётган бугунги кўмак ва эътиборни ўзининг келажакдаги эришажак муваффақиятлари билан оқлашга астойдил ҳаракат қилишини таъкидлади.

2023-10-07 16:32:14